



## COLOR ASSOCIATION AND ITS MANIFESTATION IN LANGUAGE

**Durdona Esonovna Lutfullaeva**

Doctor of philological sciences, professor  
 International Islamic Academy of Uzbekistan  
 Tashkent, Uzbekistan  
 E-mail: [1965ddd@mail.ru](mailto:1965ddd@mail.ru)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** association, color association, visual perception, color image of the world, inherent association, adherent association.

**Received:** 26.11.23

**Accepted:** 28.11.23

**Published:** 30.11.23

**Abstract:** This article describes the issue of formation of associations and their manifestation in the Uzbek language through human knowledge of objects and their characteristics through sensory organs.

## РАНГ АССОЦИАЦИЯСИ ВА УНИНГ ТИЛДА ВОҚЕЛАНИШИ

**Дурдана Эсоновна Лутфуллаева**

Филология фанлари доктори, профессор  
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
 Тошкент, Ўзбекистон  
 E-mail: [1965ddd@mail.ru](mailto:1965ddd@mail.ru)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ассоциация, ранг ассоциацияси, кўрув сезгиси, оламнинг рангин тасвири, ингерент ассоциация, адгерент ассоциация.

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсоннинг нарса-предметлар, уларнинг белги-хусусиятлари ҳақида сезги органлари орқали ҳис қилинган билимлари орқали ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг ўзбек тилида намоён бўлиши масаласи ёритилган.

## ЦВЕТОВАЯ АССОЦИАЦИЯ И ЕЕ ПРОЯВЛЕНИЕ В ЯЗЫКЕ

**Дурдана Эсоновна Лутфуллаева.**

доктор филологических наук, профессор  
 Международная исламская академия Узбекистана  
 Ташкент, Узбекистан  
 E-mail: [1965ddd@mail.ru](mailto:1965ddd@mail.ru)

## О СТАТЬЕ

<b>Ключевые слова:</b> ассоциация, цветовая ассоциация, зрительное восприятие, цветовой образ мира, имманентная ассоциация, адептанская ассоциация.	<b>Аннотация:</b> В данной статье описывается проблема формирования ассоциаций и их проявления в узбекском языке посредством познания человеком предметов и их характеристик посредством органов чувств.
---	--

### КИРИШ

Маълумки, инсоннинг борлиқдаги предметлар, уларнинг белгилари бўйича сезги аъзолари орқали эгаллаган билим ва тасаввурлари бирор бир ташқи туртки оқибатида хотирасида тикланиши натижасида турли ассоциацияларга йўл очилади. Жумладан, муайян объектнинг инсоннинг кўрув, эшитув, таъм, хид, тери сезгиси орқали ҳис қилинган белгиси ҳар гал ушбу объект кўзга тушганда ёки у ҳақида сўз юритилганда хотирада тикланишини натижасида ушбу объект ва унинг белгиси ўртасида ассоциатив боғланиш юзага келади. Бошқача айтганда, инсон муайян объектни кўрганда унинг белги-хусусияти ассоциатив тарзда ёдига тушади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Инсоннинг сезги органлари нарса-предметлар, уларнинг белги-хусусиятлари ҳақида бирламчи билимни ҳосил қиласди. Бу билимлар инсон тафаккурида ушбу предметларга макон ва замонда алоқадор бўлган ўхшаш ёки ёндош предметларга оид билимлар билан таққосланади. Таққослаш натижасида нарса-предметларнинг умумий ва ўхшаш белгилари аниқланади. Ушбу белгилар нарса-предметларнинг инсон хотирасида бир-бирини ёдга солиб турувчи ассоциатив қаторларга бирлашувига олиб келади. Ушбу қонуният тилда ҳам кузатилади.

Инсон мулоқот жараёнида бирор предмет номини эшитганда беихтиёр ушбу предметнинг сезги органлари орқали идрок этилган белги-хусусияти тасаввурида жонланиб, уни акс эттирувчи тил бирлиги хотирасида тикланади. Масалан, ўзбек тили эгалари устида ўтказилган ассоциатив тажрибаларда *лимон* сўзига нисбатан берилган *нордон* ассоциацияси таъм сезгиси, *куёши* сўзига берилган *сарик* ассоциацияси кўрув сезгиси, *кулги* сўзига берилган *тиқ-тиқ* ассоциацияси эшитиш сезгиси, *атиргул* сўзига нисбатан берилган *хушбўй* ассоциацияси хид сезгиси орқали аниқланган билимлар воситасида юзага келган. Ёки *бошлиқ* сўзига берилган *галстук* ассоциацияси кўрув сезгиси орқали ҳосил бўлганлиги сезиларли. Тил эгаси бошлиқнинг доим галстук тақиб юришини кўриб, хотирасида уни эслаб қолган. Бу ҳолат *бошлиқ* сўзи орқали *галстук* ассоциациясининг ҳосил бўлишига йўл очган. Характерли жиҳати, бундай ассоциациялар нутққа кўчганда ўзаро ассоциатив боғланган сўз бирикмалари ва гаплар юзага келади. Бу ҳолат ассоциатив бирликлар жумла ҳосил қилишда муҳим ўрин

тутишини кўрсатади. Масалан, *нордон лимон, Қуёши сариқ рангда, пиқ-пиқ кулги, хуйбўй атиргул, Бошлиқ галстукда* кабилар.

Шуниси характерлики, нарса-предметларнинг инсон сезги аъзолари ёрдамида хис қилинган белгилари доимий ва ўзгармас бўлса, бундай предметлар белгиси қайта хис қилинмаса-да, у ассоциатив тарзда инсон хотирасида тикланаверади. Масалан, шакарнинг ширинлиги белгиси инсон хотирасида ўзгармас белги сифатида ўрин олган бўлиб, унинг таъми қайта хис этилмаса ҳам, *шакар* сўзи эшитилганда *ширин* ассоциацияси хотирада тикланаверади. Худди шундай, кўрув сезгиси асосида қор сўзига нисбатан ҳосил бўлган *оппоқ; тун* сўзига берилган *қоронги* ассоциацияси; пахтанинг тери сезгиси орқали хис қилинган юмшоқлик белгиси ва унга берилган *юмшиқ* ассоциацияси доимий ассоциациялар саналади. Бундай ассоциациялар предметларнинг доимий, ўзгармас белгиси асосида ҳосил бўлади.

Табиатда шундай нарса-предметлар ҳам мавжудки, уларнинг муайян белгиси вақт ўтиб ўзгаришга учраши мумкин. Нарса-предметларнинг инсон томонидан хис қилинган бирламчи белгиси ўзгаришга учраса, бу белги асосида юзага келган илк ассоциация ҳам ўзгариб, иккиламчи ассоциацияга йўл очилади. Бундай вазиятда инсон томонидан хис қилинган бирламчи белги ҳақидаги маълумот кейинги даврда англанган белги ўрнини эгаллайди. Натижада ушбу белги асосида иккиламчи ассоциация юзага келади. Масалан, олманинг ширин таъми ҳақидаги тасаввур унинг таъми йўқолиб ёки ўзгариб, қайта хис қилинганда у ҳақидаги бирламчи тасаввур ўзгаради. Бунинг натижасида бирламчи тасаввур иккиламчи тасаввурга айланади.

Англашиладики, нарса-предметларнинг кўрув, эшитув сезгилари, таъм, ҳид, тери сезгиси орқали хис қилинган доимий белгилари қаторида ўзгаришга учраши мумкин бўлган белгилари ҳам мавжуд бўлиб, улар инсон ассоциацияларининг доимий ёки бирламчи ҳамда иккиламчи характерга эга бўлишига сабаб бўлади.

Ранг-тус билдирувчи бирликлар бўйича тил эгаларида ҳосил бўлган ассоциацияларда инсоннинг ранглар ҳақидаги тасаввурлари, рангларга муносабати, ранглар билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар акс этади. Муайян ранг-тус билдирувчи бирлик ҳатто инсон ҳаётида содир бўлган мухим воқеа-ҳодисани унинг хотирасида тиклаши мумкин. Б.А. Мусуковнинг таъкидлашича, муайян ранглар жамият ҳаётидаги кўплаб йирик ўзгаришлар ва атроф мухитдаги ҳаётий мухим элементлар: олов, осмон, қуёш, сув ҳақидаги ассоциацияларни ҳосил қилиши мумкин. Т.М.Тяпкина эса у ёки бу ранг билдирувчи сўз бўйича юзага келган ассоциациялар сўзлар тараққиётига кучли туртки бериши, коммуникация иштирокчилари онгida юзага келган ранг тасаввури обьектнинг бошқа белгилари, ўзга обьект ва шу кабилар ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш хусусиятига эга эканлигини баён қиласи. Маълум бўладики, тилдаги ранг-тус билдирувчи бирликлар тилдан ташқаридаги қатор

экстравангвистик омиллар таъсирида инсон хотирасида турли ассоциацияларнинг тикланишига туртки беради.

Турли тилларда ранг-тус билдирувчи бирликлар ассоциациясига туртки берувчи экстравангвистик омиллар бир-биридан фарқ килади. Т.М.Тяпкина немис тилида ранг билдирувчи сўзлар бўйича ҳосил бўладиган бундай ассоциатив алоқаларни ингерент ва адгерент турларга ажратади. Унинг қайд этишича, ингерент ассоциациялар рангнинг ўз табиати орқали аниқланади, бундай ассоциация онтологик жиҳатдан қўрув сезгиси орқали идрок этиладиган ҳар бир ранг орқали ҳосил бўлади (*schwarz* (кора) – қоронги, гамгин, ёмон, даҳшатли / *rosig* (қизғиш) – ёқимли, яхши, камалак рангли). Бундай ингерент ассоциациялар рангларнинг психологик аспектда идрок этилиши асосида ҳосил бўлади. Адгерент ассоциациялар фонди эса онгда аналогия механизми таъсирида юзага келади. Бунда ранг бўёғини аниқлашда, аввало, объектнинг ташки белгиси инобатга олинади. Шу сабабли бундай ассоциацияда «ранг —> ушбу рангни ташувчи» ассоциатив алоқаси кенг тарқалган.

Ўзбек тилида ҳам ранг ассоциацияси, аввало, объектнинг ранг бўёғи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу билан бирга, рамзлар, ранг билан алоқадор урф-одат, анъаналар, ранглар мифологияси кабилар ҳам турли ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Шу жиҳатдан ўзбек тилида ранглар ассоциацияси ҳосил бўлишига турки берувчи экстравангвистик омиллар бир-биридан фарқланади. Масалан, яшил – *барг*, ўт, *даражат*, ўтлок, адир қаторида яшил сўзига берилган *барг*, *йт*, *даражат*, *ўтлок*, *адир* ассоциациялари предметнинг ранг бўёғи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлувчи ассоциация хисобланади. Оқ – *тинчлик*, сариқ – *куз*, қизил – *қон* каби жуфтликлардаги ассоциациялар эса ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзий маънолари асосида ҳосил бўлган.

Маълумки, тарихдан кишилар муайян рангларда нарса-предметлар, воқеа-ҳодисалар рамзини кўришган. Натижада тил эгаларида ранглар билан боғлиқ ҳолда рамзлар тасаввури юзага келган. Масалан, қизил ранг кўп халқларда қон рамзи, сариқ ранг айрилиқ, мусибат, қора ранги ўлим, кайғу рамзи саналади. Г. Кларнинг фикрича, қизил қон ранги бўлиб, ҳаяжон, қувват, тирик, нотинчлик рамзи хисобланади. [Англашиладики, рамзий маънога эга ранг-тус билдирувчи сўзлар ассоциатив тарзда ўзи англатган рамзларни инсон хотирасида тиклайди](#).

## ХУЛОСА

Хуллас, инсон сезги аъзолари орқали қачонлардир идрок этилган нарса-предметлар, уларнинг белги-хусусиятлари ҳақидаги билимлар мазкур предметлар номи эшитилганда ассоциатив тарзда хотирада тикланади. Бу ҳолат оламни идрок этишда инсон сезги органларининг ўрни юқори даражада эканлигини асослайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ассоциатив тажриба 2023 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Лингвистика йўналиши магистрантлари устида ўтказилди.
2. Мусуков Б.А. Лексико-семантические особенности цветообозначающих прилагательных в тюркских языках (на материале карачаево-балкарского языка) // Фундаментальные исследования. 2014. – № 5-5. – С. 1121-1126.
3. Тяпкина Т.М. Вторично-номинативные функции цветообозначений в современном немецком языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2002. – 286 с. // <https://www.disscat.com/content/vtorichno-nominativnye-funktsii-tsvetooboznachenii-v-sovremennom-nemetskom-yazyke>
4. Клар Г. Тест Люшера: психологическая характеристика восьми цветов // Магия цвета. – Харьков, 1996.